
Умумий амалиёт шифокорлари Сўх туманига ишга таклиф қилинади

Сўх туман тиббиёт бирлашмаси вилоятимизда яшовчи умумий амалиёт шифокорларини туман марказидан 35 км узоқликда жойлашган “Ғазноб” ва “Қалъача” МФЙга хизмат кўрсатувчи Ғазноб оилавий шифокорлик пунктида 1 штат бирлиги, туман марказидан 6,5 км узоқликда жойлашган Зангат оилавий шифокорлик пунктида 1,5 штат бирлиги, туман марказидан 5 км узоқликда жойлашган Мулгон оилавий шифокорлик пунктида 1 штат бирлиги, туман марказидан 5 км узоқликда жойлашган “Сариканда”, “Сарибозорча” ва “Қалъа” МФЙга хизмат кўрсатувчи Сариканда оилавий шифокорлик пунктида 1,5 штат бирлиги, туман марказидан 10 км узоқликда жойлашган “Қизилқиёқ” ва “Шарқобод” МФЙга хизмат кўрсатувчи Қизилқиёқ оилавий шифокорлик пунктида 1,5 штат бирлиги, 50-сонли қишлоқ оилавий поликлиникасида 2 штат бирлиги ваканцияларига ишга таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги “Олис ҳудудлардаги бюджет ташкилотларига малакали мутахассисларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 215-сонли қарорининг 1-боби 10-банди бўйича шифокорларга ҳар ойлик иш ҳақларига қўшимча 2 млн.сўм (икки миллион сўм) устама тўлаб берилмоқда. Шифокорларни уй-жой сотиб олишда уй-жой қийматининг 50 фоизгача қисми, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 баробаридан ошмаган миқдорда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши ҳамда олис ва чекка ҳудудларда узлуксиз уч йил ишлаган шифокорлар клиник ординатурага тест синовларисиз қабул қилиниши белгиланган.

Мурожаат учун телефон: 73) 244-37-22

2022-07-05 18:48:41